16:55 Серил «МОРСКИЕ ДЬЯВОЛЫ: ОТПУСК НА ЧЕРНОМ МОРЕ»
18:00 «СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА»
18:50 «Чистосердечное признание».
19:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
19:55 Серил «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ-7»
21:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С ВЛАДИМИРОМ СОЛОВЬЕВЫМ»
22:30 ПРЕМЬЕРА. Серил «ЗОНА»
0:20 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
0:55 Х/ф «Я - СЭМ» /США/
3:15 Комедия «ПОСЛЕДНИЙ ДЕВСТВЕННИК АМЕРИКИ» /США/

REN-TV

8.00 Дикая планета»
9.00 Мультсериал (США).
9.25 «Jetix» на REN TV»
9.50 Мультсериал (США).
10.15 «Симпсоны».
11.55 Без тормозов.
12.25 «Неделя»
13.45 Военная тайна.
14.30 «24».
14.50 «Суперняня с Туттой Ларсен».
16.00 «Невероятные истории»
17.00 Комедия «МОЙ ЛУЧШИЙ ЛЮБОВНИК» (США).
20.00 Проверено на себе.
21.10 Комедия «ОТКРОЙТЕ, ПОЛИЦИЯ!» (Франция).
23.40 «Жизнь после смерти». Док/ф
0.45 Ночной музыкальный канал.

Бу ёруғ оламда нима кўп — китоб кўп, ёзувчию шоир кўп. Уларнинг ҳар бири ўзгача бир олам. Аммо шундай даҳо сўз санъаткорлари борки, улар «Исо нафасидек сўзга жон, руҳ» бағишлайдилар. Ёзган китобларини шунчаки ўқимайсиз, гўё кўнгил билан томоша қиласиз. Асар қахрамонлари билан дилдан боғланиб, ўзингиз ҳам бош қахрамонга айланиб, улар билан бирга қисмат китобини бир-бир варақлай бошлайсиз. Ўзбек адабиётида академик Иззат Султон айтганидек, момокалдирокдек гўлдирок солиб, чакмок-

дек ёрқин из колдириб кириб келган Абдулла Қодирийнинг шахсияти ана шундай юксак Самовийлик, Маърифат ва Ҳақиқатга чорловчи, миллат қалбига кўзгу тутувчи буюк шахсиятдир. Миллат зулм ва зўрлик, ҳақсизлик ва разолат исканжасида қолган, маърифат оёқ ости қилинган бир даврда не не машаққатларга бардош бериб, жафокаш ва жабрдийда халқ вакили сифатида камолга етган адибга маънавий-руҳий қувват берган манба ундаги ҳол ва руҳ уйғунлиги ҳамда беназир истеъдод кирраларидир.

Қодирий сабоқлари



бош қахрамонларига миллат дунёқарашини, миллат руҳониятини ва миллат табиатида доим собит сақланиши шарт бўлган фазилат ва хислатларни маҳорат билан умумлаштириб тасвирлаган. Шу маънода Раънога озроқ тўхталсак.

«Меҳробдан чаён»нинг биринчи фаслини Қодирий Солиҳ маҳдум, Нигор ойим, уларнинг тўнғич фарзанди Раъно ва «Раънонинг эгасига» бағишланган тасвирлар билан бошлайди. Ўқувчи Раънони илк маротаба «ҳовли юзида иккита укасининг ўртасига тушиб, уларнинг «лой ўйинига» иштирок этгани ва «ер супуриб ётган соч ўримларининг тупроққа беланганидан хабарсиз» бир ҳолатда кўради. Табиатида ҳали болалик сақланиб қолган, ҳали болалик

шундаки, улуг Қодирий ўтган хон ва султонлар замонида ҳам «нодир учрайтирган гўзал фозила қизлардан» ҳисобланган Раъно дин ва шариатни билиш билан чегараланиб қолмаган. Уни тасаввуф ҳам қизиқтирган. Унинг ахлоқий сифатлари бевосита тасаввуф тушунчалари, энг безавол тасаввуфий хис-туйғулар таъсирида шаклланиб борган. Буни ёзувчи сўз ва фикр билан эмас, бутун роман давомида имо-ишоралар билан таъкидлаб ва тушунтириб боради. Буларни пайкамаган ўқувчи Анвар ва Раънонинг кўнгил оламига эркин кира олмайди.

Эсингизда бўлса, хон совчилари иккинчи маротаба кириб, тўй кунини тайинлашдан олдин Анвар билан Раъно учрашиб, суҳбатлашадилар. Шунда Анвар бошига тушган оғир савдонинг сабабларини Раънога тушунтирар экан, ифлосликка энг шимарганлар нимага эришажаклари ҳақида дейди: «...улар бизни бир-биримиздан ажрата оладиларми? Йўқ. Мажозий ажралиш — ажралиш эмасдир, чунки биз бир-биримизга мажозий боғланмаганмиз, ҳақиқий боғланишни эса қатъ этиш ифлослар уҳдасидан келмас. Бас, шу ҳолда биз икков нега хафа бўлайлик, Раъно? Ишқ даъвоси авом ўйлаганча васл эмас, ҳажрдир. Зеро, висол ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир». Тасаввур қилинг: Раъно тасаввуфнинг марказий тушунчаларидан бўлмиш мажоз ва ҳақиқат сирларини аввалдан билмаганида, ишқда ҳақиқий нажот васлда эмас, ҳажрда эканлигига ишонч ҳосил этмаганида, ёзувчи Анвар тилидан юқоридаги фикрларни изҳор этармиди? Анвар «Сен шу иккисидан қайси бирин танлайсан?» — деганда, Раъно аввал жавоб бермайди. Савол яна такрорланган, у: «Мен кейингисини...» — дейди. Тўғри, Раъно «хоннинг ифлос тўшагида» ётишни истамаганлиги учун шундай дейди.

Бугун тасаввуф ҳақида сўзлаганимизда, тасаввуф — бу қисмат иши, яшаш тажрибаси, виждон тарбияси, руҳ ва кўнгилни жиллантириш маънаси эканлигини етарли даражада билмоғимиз керак.

Камина қизларимизда Раънодаги бир-биридан гўзал ва ибратли фазилатларни кўришни истардим. Айниқса, тафаккур меҳнати ва адабиётсеварликни...

Абдулла Қодирийнинг асарларини теранроқ мутолаа қилганимиз сайин, улуг адиб шахсига меҳр-муҳаббатимиз ўшанча ортиб бораверади. Чунки Қодирий шахсияти энг юксак ҳақиқатларга чорловчи ва соғинтирувчи шахсиятдир.

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» муҳбири

Донишмандларнинг башорат қилишларича, тун қанчалик қоронгу, зулматга чўлганса, юлдузлар шунчалик ёрқинроқ нур таратаркан. Миллат тимсолига айланган Абдулла Қодирийдек зотлар ҳам худди ана шу юлдузга ўхшайди. Бирор бир куч, қатагон, ҳатто ўлим ҳам уларни миллат қалбидан суғириб ташлай олмайди. Қодирийни қатагон этганлари етмагандек, унинг асарлари ҳам хавфли саналиб маҳв этилди. Аммо маърифатпарвар халқимиз сеvimли зотнинг китобларини Ватанни, унинг порлоқ истиқболни асрагандек жонида асраб-авайлади. Миллатпарвар Қодирий орзу қилган Истиқлол унинг номини шарафга буркади. Президентимизнинг биринчи «Мустақиллик» орденини Қодирий ҳазратларига беришларида ҳам катта рамзий маъно бор. Абдулҳамид Чўлпон ҳам «Ўзбек онаси яқин ўртада иккинчи Абдулла Қодирийни тугмаса керак» деб бежиз айтмаган.

Негаки, миллат тафаккури ва маънавиятини дунёга кўз-кўз этадиган унинг ёзувчиси-дир. Қодирий «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» каби тарихий роман ва «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажон нима дейди?» сатирик новеллалар туркумини яратиб, ўзбек миллий романчилиги ва ҳикоячилигига асос солди. Машҳур қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов унинг романлари ҳақида «Гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди. Уларни Курмонғози ёки Чайковский куйларини тинглагандек дам олиб ўқийсан киши», — деб эътироф этган. Қодирий асарларининг ўзига хос жиҳати миллийлигида.

Донишмандлардан бири суратингни эмас, сийратингни тузат, деб башорат қилган экан. Қодирий қахрамонлари нафақат ҳусни, балки ботиний дунёси билан ҳам кўнгилга нур сочади. Бу эса адибни тасаввуфий қарашлари ҳосиласидан бўлса не ажаб. Раънодаги зукколик, ҳофизалик, Кумушдаги Фузулийхонлик, Отабекдаги кенг тафаккур, Анвардаги ўзига хос мулоҳазакорлик, Юсуфбек ҳожидаги донишлик ва салобат... кўйингки, қахрамонларнинг ахлоқий сифатлари бевосита тасаввуфий хис-туйғулар таъсирида шаклланиб борган.

Бу ҳақда ЎзРФА Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул куйидагиларни сўзлаб берди:

— Абдулла Қодирий истеъдодида кишини ҳайратлантирадиган ва фавқуллоддалиги билан ақлни лол қолдирадиган бир самовийлик бор. Юксак руҳоний ҳаёт берилиб, маърифат ва ҳақиқат завқи сўндириладиган бир даврда Абдулла Қодирийнинг адабиётга кириб келиши жафокаш ва жабрдийда халққа Оллоҳнинг инояти эди. Асрлар давомида зулм ва ҳақсизлик офатларидан беҳад эзилган, турғунлиги — қарахтлик ва ло-

қайдликка айланган халқ, ҳали мисли кўрилмаган ғалаён ва талатўплар тўфонида миллий ўзликдан ажралиш хавфига дадил ва кескин қаршилик кўрсатолмай қолганди. Абдулла Қодирий халқ руҳиятини миридан-сиригача англаган санъаткорлардан эди. Унинг руҳият дунёси — оловли кўчкилар, садосиз портлашлар, интиқом бўронлари

химизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги «хон замонлари»дан танланган. Чунки, халқ ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий таназул кейинги хонлиқлар даврида баланд чўққисига етган эди.

Қодирий асарларини хоҳ ақл тили билан ўқинг, хоҳ туйғу, хоҳ руҳоният, истанг қайғу ва армон тили билан му-

НЕГА ЕРГА ҚАРАЙСАН, РАЪНО?

кўзғолган бир дунё эди. Адибнинг халқ меҳри ва юрт ишқи билан лиммо-лим тўлган қалбини тарих ҳам, замон ҳам қарийб теппа-тенг ҳақшатарди. Унинг яқин тарихга тер-

толаа қилинг — улар барча эҳтиёжингизга тўла-тўқис жавоб бера олади. Бу жиҳатдан унинг санъаткорлиги адабиётимиз тарихидаги нодир ва такрорланмас ҳодисадир.

ўйинларига иштиёқи сўнмаган мана шу гўзал қиз ўн етти ёшга тўлдириб, ўн саккизга қадам кўйган эди. Адиб аввалига гўё Раънони зоҳиран таништиради. «Раъно» деб номланган еттинчи фаслида эса унинг ботиний хусусиятлари, илм даражасидан ҳам баҳс юритилади. Раъно «Саводни отасидан ўқиб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб программаси бўлган барча дарсларни битирган, масалан: диний қисмдан — «Ҳафтияк», «Куръон», «Чаҳор китоб», «Сўфи Оллоёр», «Маслак ул-муттақин», адабиётдан Навоийнинг барча асарлари, «Девони Фузулий»... «Лайли ва Мажнун», Амирий, Фазлий ва шулардек чигатой-ўзбек катта шоирларининг; форсдан — Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил; хусниҳат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса, бир томондан қизларга сабоқ бериб, онасига кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасига ҳофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайх Саъдийнинг «Гулистон»идан дарс олади ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чигатой-ўзбек шоирларининг бадиий асарларидан алоҳида бир мажмуа тузиб юрийдир...»

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Раънонинг кўнгли шеърга ҳам ошно, ўзича «манзумалар» ҳам тўқийди.

Кейинги пайтларда ўн тўрт — ўн беш ёшларда анча-мунча диний адабиётлардан хабардор қизларимизнинг пайдо бўлиши шахсан мени қувонтиради ва айни пайтда савол уйғотади: Хўш, булар орасида «Навоийнинг барча асарларини» ўқиб чиққанлари топиладими? Менимча, топиладими. Форсийда ҳофизхонлик ёки бедилхонлик ила машғул қизларимизни қаерда учратгансиз? Бизда шоирлар анча, аммо шулардан нечасини Раъно қадар билим ва савияга эга дея оласиз? Албатта, китоб ўқиш билан ҳамма нарса ҳал бўлиб қолмайди. Маънисеварлик ва моҳиятбинлик истеъдоди бўлмаса, ҳатто илм ҳам фойдадан кўра зарар етказиши мумкин. Донишмандлардан бири «Қанча илмлар борки, натижаси жаҳолат ва билимсизликдир. Қанча илмсизликлар бордурки, самараси илм эрур...» деганида нечоғлик ҳақ эканлигини ўзимиз кўриб, бошимиздан кечириб ўтирибмиз. Гап

ҚИЗИМ ИЙЛАККА БОҒЛАНГАН МАҚТИБ

«Юсуф савдосида бекарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқиде йиғлаган Лайли отидан — сизга бошимдаги сочларимнинг туқларича беҳад салом. — Мендан — ҳадду-ҳисобсиз гуноҳ, сиздан — кечиринг. Ўткан ишга саловот. Чунки шу икки йил ичида кечирган қора кунларни эска олиш маним учун ўша кунларни қайтадан бошдан кечиринг сингари, ул кунларни сиз унутинг, унутманг, аммо мен унутдим. Шунинг учун сўзимни ўзимни охириги, ҳам чин бахт ислари ҳидлаган тарихимдан бошлайман.

Сиз — қочоқсиз, нари-бери тил учиде менга бир нарса ёзгандек бўлиб қочқансиз, икки йил бўлди. Марғилон келиб юришларингизни мен ўзимча ешдим, лекин топиб ешдим: сизнинг барча машаққатларингиз — душманларингиздан ўч олиш учун бўлганини онгладим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, тўяр эдилар... Мен каби бахтсиз, мен каби ғовғаси кўб сизни зериктириб, жондан тўйдирган бўлса ажаб эмаски, қоча бошлагансиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб бировларни қувишқа бел боғладим: отам билан онам рафоқатларида хизматингизга — чўрилиқингизга эрта-индин юраман, суйганингиз кундошим олдида қадр кийматининг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олижанобсиз: эски қадрдонлиқ ҳурматиға кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам бахтсизни масъуда қиларсиз... Аммо... суйганингиз — кенжангизнинг жеркишларидан, қаргинишларидан беҳад кўрқаман, ўзимда йўқ кўрқаман. Шу яқин орадаги унинг билан бўладирган масъуд дақиқаларингизда худо йўлига ваъда олингиз — мени оғритмасин, рақибам келди деб ўйла-масин. Ниҳоят мақсадим икки дўстка бир чўрилиқ ва шу муносабат билан биравларини кўриб юриш...

Хатим охирида шунини ҳам айтиб қўйиб: ўч қайтиб, мен ҳам кўчадан ҳайдалмасам эди, деган хавф ҳаммаша кўнглимда. Агар худо ярлақаб эшикингизда ўринлашиб олсам, уёғини ўзим билар эдим...

Эрта-индин кўзимга йўл кўринур,
Йўл босишлиқ кўнгилга бир умр кўринур...

3-инчи ҳамал, Марғилон, Кумушингиз ёзди.
«Ўткан кунлар» романидан

мулган доно кўзлари қайғу-нинг қора суратларини кўрар, замонга боққанда эса мунга тўларди... У қонсирган телба замонасидан қочишни, нур ва зулмат, шодлик ва кулфат қоришиб ётган тарихга қараб юришни хоҳларди. Аммо мазий ҳам мадада муҳтож эди... «Ўткан кунлар»нинг мавзую «Яқин ўтган кунлардан, тари-

Абдулла Қодирийнинг даҳо санъаткорлиги шундаки, у шўро босқини ила авж олган маънавий-руҳий бўҳронлар ичида миллат онги қандай офатлар исканжасида қолишини аниқ билган. Миллат характеридаги қанақа ожизлик ва нуқсонлар юзага қалқишини хатосиз кўра олган. Шунинг учун романларда яратилажак

Янги қўшиқлар

ХУШ СУХАНЛАР СУХБАТИ

Тонг қушларин қўшиғи кўп нашъали, Кўнгли тунин чарақлаган машъали. Тингласам мен хуш суханлар суҳбатин, Хайлимдан ўтгай Лутфий газали. Очик дилга жураман-е, ёрман-е, Хуш суханлар суҳбатига борман-е.

Хуш суханнинг ҳар суҳбати бир гавҳар, Маст эгадир етти йиллик май қадар. Ҳар сўзда бор садарайхон ифори, Иборалар тиниқликда - нилуфар. Очик дилга жураман-е, ёрман-е, Хуш суханлар суҳбатига борман-е.

Хуш суханлар бошларига олам жо, Бу бошларда ҳар бир томир - бир дарё. Юраклари поёни йўқ бўстониким, Тушган кўзни этгусидир маҳлиб. Очик дилга жураман-е, ёрман-е, Хуш суханлар суҳбатига борман-е.

Хуш суханни дегил, қони жозиба, Чўллар хандон урадилар оғзияда. Тингласам гар суҳбатини киш қуни, Узни кўргум йилнинг фасли ёзида. Очик дилга жураман-е, ёрман-е, Хуш суханлар суҳбатига борман-е.

ЁЛҒОНЧИ

Таомнинг ёмони - меъдага малол, Чўнг юқдан эзилган нисоли ҳаммол. Гапнинг ёмони, вох, ёлғондир, ёлғон, Бўёқда чекилган ёноқдаги хол. Ёлғончи - тишга тош, кўзга эса - чўп.

Ёлғоннинг ортидан егувчидир нон,

Бир ҳовуч гавҳар

Фозилдан сўрадилар: — Ҳаётдан қандай хулосага келдингиз? — Ҳикматсиз ибрат бўлмас, ибратсиз ҳикмат...

Зулматдан сўрашди: — Сен нимани соғиниб яшайсан? — Ёруғликни. — Нимадан кўрқасан? — Қоронғуликдан...

Бойликдан сўрашди:

Чибинлар бадандан сўрган хаби қон. Кўмикни итлар хуш кўрганларидек Хуш кўрур соддадил кишини чандон. Ёлғончи - тишга тош, кўзга эса - чўп.

Инсоний ҳисларин қоплагани муз, Бадарга этилмиш қалбидан номус. Ўзгада ўзига орттириб ишонч, Тун надир, рўйрост шиладир кундуз. Ёлғончи - тишга тош, кўзга эса - чўп.

ТАНТИЛАР

Тантилар чиқаргай, яхши, деган от, Тантилар қадридир бўйи самовот. Мавжудки бу олам, мавжудки ҳаёт, Тантини элатлар эгадилар ёд. Ўзгани ўзидек ардоқ этади, Сут эсанг, сени у қаймоқ этади, Кўнглинги чақнаган чароқ этади, Бамисли яқин бир аймоқ этади.

Оламга келдинги, одамдек яша, Кўксингдан жой олсин одамий гурур. Ҳар битта сўзинга бўлсинлар ташна, Ҳар битта сўзингдан олсинлар хузур.

Даштга жон бахшида этгандек дарё, Этгандек жўш уриб борлигин раво, Ҳамгин юракларга улашиб сафо, Эгадир одамлик бурчини адо.

Хушдир хўб жамбилу райхон ифори, Киройи булбулнинг гулга изхори; Хушдир хўб юртимда тантилар бори, Диллари, ҳай-ҳай, нақ мева бозори.

Оламга келдинги, одамдек яша, Кўксингдан жой олсин одамий гурур. Ҳар битта сўзинга бўлсинлар ташна, Ҳар битта сўзингдан олсинлар хузур.

Ямин ҚУРБОН

...Раббим бува уни асраб олган.

Урушдан кейинги йиллармикан, бир куни азонлаб қабристон ёқалаб кетаётганди. Шу пайт нимадир чинқиргандек бўлди. «Йўғ-е, хаёлимга шундай туюлди», - дея тасалли берди ўзига-ўзи. Кейин эса аёли Ҳалима бувининг койиганини эследи:

«Ҳадеб қабристондан ўтаверинг қани, бир кунмас-бир кун ажина чалиб кетади Сизни...»

Чақалоқ йиғиси янада аниқроқ эшитилгандек бўлди. Бу сафар бува

Бозорбойнинг «катта» эканлигига келсак, бу унинг каттамсираб кетганига ёки болалигидан Раббим бува уни «улим катта бўлса, катта ишда ишлайди», деб эркалатганигами бир ишора бўлса керак...

Бозорбой «катта»нинг қариндошлари камдан-кам йўқлайди. Аниқроғи, унинг ўзи уларни кўп йўлатмайди. Бултур тоғаларидан бири «қабулда бўлиб», уни «уялтирган».

— Дурустроқ кийиниб кесайиз бўлмайми? Яна котибамга «тоғасиман» дебсиз. Эй... одам уялиб

Уша куни улфатларидан бири аллақайси фирманинг раҳбари Миразизхон Бўстонликдаги дала ҳовлисида у буюрган «меҳмонлар»ни тушликка таклиф этганини айтди...

Миразизхоннинг дала ҳовлиси. Йўлак атрофида турфа анвоий гуллар экилган. Мевали дараклар гўра туккан. Ҳовли ўртасидаги кўкламликда иккита елим стол бирлаштирилган. Унда тўрт киши: мезбон, Бозорбой ва 20-25 ёшлар атрофидаги икки қиз. Дастур-

БОЗОРБОЙ «КАТТА»

Қатра

кетади силани қариндош дейишга-ям, - деганди ўшанда тоғасининг анча уриниб қолган, охорсиз кийимидан аччиланиб.

— Бори-да, жиян, - деб қўйганди тоға ҳам зўраки жилмайишга ҳаракат қилиб. — Майли, агар уялда бўлсангиз, ишхонангизга келмайман.

— Кесайла одамга ўхшаб келларинг, бўлмаса уйимга ҳам бормайла. — Бозорбой алоҳида ургу бергандай. — Тушунинг ахир! Хотин, бола-чакам олдида ҳам «нето» бўламан. «Сиззи аламбало қариндошларийиз бор» деб кулишади.

Шу-шу Бозорбойни ҳеч бир қариндоши йўқламайди. Ўзи эса тумандаги донгдор хўжалик раиси тўй қилганида боргани, ўшанда ҳам қишлоқ сари йўналгани йўқ.

«Каттакон» бўлгани боис унча-мунча қўшнилари юрак ютиб яқинлашолмас, эркин муомала қилолмасди. Тўғриси, бир-икки тадбирларга таклиф этилганда, уни-буни баҳона қилиб, бормагани маҳалла оқсоқолларининг ҳам ҳафсаласини пир қилганди. Унинг вақти йўқ эди, десак унчалик тўғри бўлмас. Хос кишилари ё улфатлари учун ҳар қандай вазиятда ҳам вақт топадиган бу одамни «иш билан банд киши» сифатида кўриниши уни яхши биладиганлар учун қулғули ҳол эди. У улфатчиликни, маишатни яхши кўрарди. Умрининг интиҳосига ҳам ана шу сабаб бўлди.

хонда банан, ананас, киви, олма сингари нозу-неъматлардан тортиб хорижий коньяк, вискилар... Хуллас, чум-қўннинг сутидан бошқа барча егулик-ичгуликлар муҳайё. Миразиз таъбга қараб кимгадир «қизили»дан, кимгадир «оқи»дан қўйди. Кейин эса салмоқ билан гап бошлади.

— Сўз ҳаммамиз учун улғу ва азиз бўлмиш Бозорбой акамизга...

— ...Ҳаммангизни яхши кўраман. — Бозорбой ўзини гўёки самимий сўзлаётгандай тутарди. — Энди шундай гўзал жонлар даврамызни гуллатиб турса, бизда жон қолади-ми? Ича-миз-да!

Қарсагу олқишлар, гашга тек-гудек тийиқсиз қийқириқлар...

Ўтириш узоқ вақт — кеч соат ўн иккиларгача давом этди. Қизларнинг «энди кеч бўлди, қолақолинг» деган қистовига-ю, Миразизнинг агар бугун кетаман, десангиз машинангизга шофёр топайлик» дейишига қарамай, «нима, мани маст бўлиб қолди, деб ўйлапсизларми» дея жеркиб берди ва «Мерс» рулига ўзи ўтириб жўнаворди...

Лекин бир неча чақирим йўл юргач, кўзини уйку элита бошлади. Илкис ўзига келди. Аммо машина рулини тўғрисидадан бостириб келаятган «Самосвал» йўлидан четга буришга улгурмади... Аллақандай кучли зарб осмонни ларзага келтирди...

...Бозорбой яшайдиган қишлоққа шум хабар тезда етиб борди... Барча таомиллари адо этилди. Раббим бува аза очди, таъзия қабул қилди. Ҳалима буви эса оку кўк кийди... Аммо шу-шу Бозорбойни айтарли ҳеч ким эсламади... Ш.МУСАЕВ

Балиқнинг турган-битгани фойда. Буни Абу Райхон Беруний ўз замонасида исботлаб берган. Балиқ одам организми учун энг керакли кимёвий элементлар — кальций, фосфор, темир, йод, фтор моддалари ва бошқа турдаги микроэлементларга бой эканлигини аниқлаган. Шунингдек, аллома Абу Али ибн Сино балиқ гўштининг инсон организмига фойдали хусусиятларини аниқлаш устида иш олиб бориб, балиқдан олинган ёғ-мой билан болаларнинг рахит-суяк хасталигини даволаб, унинг тиббиётда муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаб берган.

Бу шифобахш неъматнинг ниҳоятда фойдали эканлигини бугунги тиббиёт ходимлари ҳам бот-бот айтиб туришади.

— Кўпинча баъзи оналар боласи икки ёшга тўлаётгани, бироқ халигача юриб кетолмаётганидан нолиб қолишади, — дейди болалар шифокори Тўхтасин Маликов. — Бундай ҳолат ўша болаларда оёқ суягининг танани кўтара олмаслиги, организмда кальций ва фосфор моддаларининг етишмаслигидан келиб чиқади. Ана шундай болаларга қилтиғи йўқ усач, илонбоши каби балиқларни қовуриб берилса кифоя — улар кўп вақт ўтмай юриб кетишади.

Балиқ гўшти таркибида кўп ҳайвонлар гўштида учрамайдиган аминокислоталар бор. Ҳайдарқўл ва Тузкон кўлларида етиштирилаётган лаққа, сом, усач, осетра, қарп ва бошқа хил балиқлар гўшти инсон организмига қувват бағишлаб, ёш болаларда учрайдиган рахит ва асаб касалликларини даволашда кўл келади.

Демак, шундай экан, етти хазинанинг бири бўлмиш балиқчиликка эътибор Жиззах вилоятида қай аҳволда? Ёнингдан

БОЛАЛАР НЕГА БАЛИҚ ЕМАЙ ҚЎЙИШДИ

ёки кўлда балиқ камми?

оққан сувнинг қадрини йўқ дейишади. Ҳақиқатдан ҳам ана шундай. Ёнгинамизда Ҳайдарқўл ва Тузкон кўллари жойлашган. Бир вақтлари ўзининг шифобахш балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам маълуми машҳур эди. Бугунга келиб кўлда балиқ камайиб кетгани, хайтовур одамлар тўйиб балиқ истеъмол қилишмаяпти.

Катталарни қўя турайлик, болалар балиқ емай қўйишди? Дўстлик туман халқ таълими бўлими тасарруфида 18 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 3 мингга яқин бола тарбияланади. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий болалар боғчалари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар улар ихтиёрида. Бироқ уларнинг

озиқ-овқатига келсак... Мутасаддилар берган маълумотларга қараганда, биргина ўтган йили 8,9 килограмм балиқ маҳсулотлари олиши керак бўлгани ҳолда, боғчалар бу маҳсулотларни ололмадилар. Бу маҳсулот-

компанияси тугатилиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш Бош бошқармаси тўзилди. Вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Бугунга келиб, «Жиз-

Мулоҳаза учун мавзу

«Броконерлар» қўл эгаси бўлиб олишган. Арнасой — Тошкент, Арнасой — Самарқанд йўналишларида қатнайдиغان автоуловларда ва бошқа тур машиналарда ҳеч бўлмаганда ҳафта — ўн кунда «ишбилармон» чаққон балиқфурушларнинг қоплаб балиқ олиб кетаётганини учратиш мумкин. Ёки вилоятнинг чўл туманлари кўчаларида бақариб-чақариб харидор қидириб балиқфурушларнинг балиқ сотиб юришига нима дейсиз? Нарҳи осмонда, 1 килограмм балиқ 1200 — 2000 сўм атрофида.

Бундан 10 — 12 йил аввал вилоят ошхоналарида ҳафтанинг бир куни «Балиқ таомлари куни» деб эълон қилинганини яхши билламан. Харидорлар савдо дўконларидан янги келтирилган балиқ, музлатилган ёки дудланган балиқ маҳсулотларини истаганса харид қилишарди. Вилоят маркази ҳамда барча туман марказларида «Океан» балиқ дўконлари ишлаб турарди. Аммо бугунга келиб савдо дўконларида балиқ ва балиқ маҳсулотлари анқонинг уруғи бўлиб қолди. «Океан» дўконлари эшигига мана бир неча йилдирки, отнинг калласидек қулф осилдиқ турибди ёки бузиб ташланган. Нима бўлганда ҳам балиқчиликни ривожлантириш вақти етди, деб ўйлаймиз. Вилоятда бунинг имконияти бор. Фақат тадбиркорлик ва ишбилармонлик керак.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири



лар билан таъминлаш «Махсус-савдо» фирмаси зиммасида. Улар алдагани бола яхши деб, қозон қайнаса бўлди қабилида иш тутишмоқда.

Маълумки, 2003 йил 31 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга кўра тармоқ фаолиятида ўзгартишлар бўлди. «Ўзбалиқ» акциядорлик

захбалиқ» акциядорлик жамияти банкротга учради. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Лекин муаммо ечимини бошқа томондан излаш керак. Балки Ҳайдарқўл ҳавзасида балиқлар ростданам камайиб кетгандир, дерсиз. Йўқ, асло. Балиқчиларнинг гапига кўра, балиқлар кўп. Ҳайдарқўлда 12 хилдан ортик балиқлар мавжуд. Қўл сатҳи йилдан йилга кенгайиб бораяпти. Аслида гап бошқа ёқда.

СКАНВОРД

Тузувчи:
Фозилжон Орипов

| | | | | | | | | | | | | | | |
|----------------------|--------------------|-------------------------|----------------------------|--------------------------|---|------------------------|------------------------|--------------------------|------------------------------|----------------------|--|-----|--|--|
| | | | | Авто марка | | | | | | Фур- сат | | | | |
| Осиё дав- лети | Чоп- қир от | Саудия тоғ- лиги | ... | Бухор (аскилчи) | То- мон | Ис- сиқ- лик | Масо- фа | | | Чарх- лаш тоши | | | | |
| | | | | | Қал- лиқ | Тугма доғ | | | | Май- са- фид | | | | |
| Дех- қон | | | Меҳнат сиз да- ромад | Тўй, тан- тана | Кўриш аъзоси | Қуш | Матъ- данли бўёқ | | | | | | | |
| Фа- ришта | Ранг | | Ит зоти | | | | ...сон | | Тиниқ эмас | Жоду- гар | | | | |
| | | | | Кимё- гарлар шаҳри | Болга- рия шаҳри | Девон- рий безак | Ба- лиқ тури | | | | | Қуш | | |
| Турфа ранг | Мил- лий нон | Қат- тиқ жинс | | Хало- йиқ | | | | | | | | | | |
| | | Куй қисми | | Алан- га | Бадан доимо ҳара- катда бўлар экан, давога муҳтожлик қолмайди. Абу Али ибн Сино ўғити | | | Саид- жон бастакор | | | | | | |
| | | Ироқ | | | | | | Мил лат | Тери тури | | | | | |
| | | Радио актив модда | ...соф | | | | | Шарм | Индира ...-ҳинд арбоби | | | | | |
| Кун- чиқар юрт | Ёғ мод- да | Фран- цуз тангаси | То- мон | | | | ...тун | | | | | | | |
| | | | | Сивса- дан аввали | | | ...Несин (адиб) | | ...тун | Ранг | | | | |
| Сув ҳо- лати | | Кама- лак | | Ша- роит | Но- тиқ | Бўй | Кам | Билим дон | | | | | | |

БИЛАСИЗМИ?

Энг биринчи электрон компютер ENIAS 1946 йилда Пенсильваниялик Прескер Экерт ва Жон Мауҳли томонидан яратилган эди.

1870 йилда Англияда филлар учун биринчи марта темир оочлар ишлаб чиқарила бошланган ва бу ускуналар Хиндистонга жўнатилган. Оочлар ёрдамида филлар билан ер шундай шудгор қилинганки, ҳозирги тракторлар ҳам улар олдида «ип эшолмаган».

Ўша оочлар бир метр чуқурликкача ботиб, эни 1,3 метргача ерни шудгорлаган. Оочнинг ерга чуқур ботишига қарамай, фил уни бемалол тортган.

Энг кўп шомол эсадиган жой Антарктиданинг Жорж V номли денгиз қиргоғи ҳисобланади. У ерда доимий шомолнинг тезлиги соатига 322 километргача етади.

БИЛИМ - НУР

Хитой халқининг шундай бир ҳикматли сўзи бор. Агар киши илмга ёшлигидан интикса, унинг келажаги қуёшнинг эрталабки порлоқ нурига ўхшайди.

Агар у ўқишга ўрта ёшларида берилса, унинг келажagini қуёшнинг туш пайтидаги нурига тенглаштириш мумкин. Бордию у илм олишга қариб қолган пайтида киришса, унинг келажаги шом нурига ўхшайди.

Гарчанд шомнинг нури қуёшниқандай равшан бўлмасанда, қоронғи зимистонда туртишиб, йўл топаолмай юргандан кўра, шом нуридан баҳраманд бўлган яхши.

МАРКАЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛДИ

Хиндистонлик Жастин Эверетт Қозон шаҳрига учиб кетаятганда, божхона ходимлари уни маданий бойликлар жосуси сифатида қўлга олишди. Унинг сумкасида ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган уч жилдли почта маркалари топилди.


Бу маркалар тўпламини у кўп йиллардан бери йиғар ва ўзи билан олиб юрар эди. Қозонга борганида коллекция ўзига ҳалақит беришини ўйлаб кўрмаган эди.

Аммо Хиндистон фуқаросининг бу коллекцияси Қозон музейига совға қилиш учун олиб келинганини билишгач, божхона ходимлари жиноий ишни ёпишга мажбур бўлдилар. Ҳар қандай ҳаракатни ҳам жиноий иш деб баҳоламаслик керак экан. Акс ҳолда бизга ўхшаб ортиқча ва кераксиз чиқимга йўлиқиши ҳеч гап эмас, деб ҳулоса чиқаришди бу воқеадан божхона ходимлари.

Автомобилнинг пайдо бўлиши тарихи хилма-хил қадимий аравалар тарихига бориб тақалади. Арава эса кишилик дунёсининг ажойиб ихтироси ҳисобланган гилдирак бунёдга келгандан сўнг ривож топган.

АВТОМОБИЛЛАР ТАРИХИДАН

Дастлабки гилдирак қадимги Мисрда эраимиздан аввалги 15-14 асрларда кашф қилинган. Гилдиракларнинг пайдо бўлиши инсонлар турмушида катта воқеа бўлди. Кейинчалик бир томонга нишоброқ турадиган, икки гилдиракли аравалар бунёдга келди. XV асрдагина тўрт гилдиракли катта аравалар пайдо бўла бошлади.



Фақат 1752 йилда бир дехқон «ўзи юрар арава» ихтиро этди. Ихтирочи ўз аравасининг гилдиракларига верстормер (масофа ўлчагич) ўрнатди. Кейинчалик ички ёнув двигателларнинг вужудга келиши автомобилсозликнинг ташкил топишига сабаб бўлди.

Россияда биринчи автомобил денгизчи офицер Костович томонидан ихтиро қилинди. 1882 йилда муҳандис Путилов мотор ёрдами билан юрадиган тўрт гилдиракли енгил фойтун ва 1884 йилда эса икки гилдиракли коляска (мотоцикл) яратди. Германияда эса шу даврларда Бенц деган киши уч гилдиракли «ўзи юрар арава»ни ясади.

Шундай қилиб, XX асрда автомобил транспортнинг муҳим воситаларидан бирига айлана бошлади. 1910 йили Ригадаги Рус-Болтиқ заводи жуда оз миқдорда автомашиналар чиқарган эди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади

Муштарий фикри НОВВОЙ БИЛАН ОШПАЗНИНГ ФАРҚИ БОРМИ?

Ота-бобом дехқон ўтишган. Табиатимда ҳам дехқонга хос хусусиятлар бор. Касбий мутахассислигим ҳам шу. Ер чопаман, экинларга сув тарайман... Аммо қариндошларим орасида қалам аҳли бўлганлиги боисми, баъзан маънавий масалалар юзасидан мулоҳазалар билдиргим келади.

Жумладан: ҳозирги кунда сал танилиб қолган эстрада юлдузи -(+) бир думалаб кино актёри ҳам бўлиб олапти. Гапнинг очиги, битта-иккита яхши кинолар билан бир қаторда чучмал, сюжети ҳаётий ҳақиқатдан йироқ «бадий фильм»ларнинг ёмғирдан кейинги қўзқорин сингари кўпайиб кетишига уларнинг ҳам «ҳиссаси» катта.

Биз «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр», «Ўткан кунлар» ҳамда «Тўйлар муборак», «Шум бола» каби киноларни кўриб катта бўлганмиз, кўнглимиз озикланган. Чунки мазкур киноларнинг мақсад, моҳиятидан ташқари, уларда сахнада кўзи пишган, профессионал актёрлар рол ўйнашган. Демак, актёрда тугма истеъдод бўлмаса, «ўйнаган» ролини бирор нарсага арзитиш қийин...

Кино-театр соҳаси бўйича йилига қанчадан-қанча актёрлар Санъат олийгоҳини битириб чиқишади. Улар қаерда? Охир-оқибат, уларнинг олган билим ва малакаларини сарфлашга имкон бериладими? Қачон?..

Демокчи бўлганим шуки, чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Новвой билан ошпазнинг фарқи бўлгани сингари қўшиқчилик билан актёрлик ҳам бошқа-бошқа жабҳалардир. Ё ... адашдимми?

**Жамолиддин КАРИМОВ,
Касби тумани**

Турфа олам

Ақли расо одам «Узук ҳукмдори» ёки «Юлдуз жангчилари» филмини уяли телефон орқали бошдан охиригача кўриши даргумон. Шу боис, уяли телефон эгалар учун янги кино жанри яратилди.

Эндиликда уяли телефон орқали нафақат ҳазиломуз, балки жиддий аҳамиятга молик манзараларни кўрса ҳам бўлади.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ЁРДАМИДА

Аммо, ҳали ҳаммаси олдинда. Ҳозирча эса Fox компанияси бир дақиқалик «Мобизод»ларни яратаётир. У Европада шуҳрат қозонган «24» филми асосига қурилган бўлиб, уни АҚШда ҳам кенг қўламда қўлланилиши кўзда тутилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, уяли телефон экрани ниҳоятда кичкина бўлгани учун у тўлиқ тасвирни акс эттираолмайди. «Мобизод»ларга тааллуқли яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса муаллифлик ҳуқуқидир. Қоидага кўра, филмларнинг барча олди-сотти ҳуқуқи ўша телекомпанияга тегишли бўлади.

Мутахассисларнинг айтишларича, бу янгилек телекомпанияларга катта фойда келтириши мумкин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"TULPOR" савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти



- Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кенгашлари ва вакилликлари Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшмаси кенгашининг собиқ раиси

Олия МИРУСМОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Кулги даргаларидан бири «...сўз усталари бамисоли халқнинг табассумидан яралган» деган эди. Бу ўринда давра «сўз устаси»нинг халқчиллигига ишора қилган бўлса, ажаб эмас. Ана шу ишорага дахлдор, ҳаётий хангомалари билан одамлар қалбидан жой олган — таниқли кизиқчи Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев — тахририятимиз меҳмони.

Кириш сўзи сифатида даставвал куйдагиларни тилга олиб ўтмоқчи эдик: Ҳожибой Тожибоев асосан ўзи ёзади ва ўзи маромига етказиб ижро этади. У тилга олмаган соҳанинг ўзи йўқ: оиладан тортиб, ўқитувчилар, шифокорлар, тракторчию оддий дехқон, фермергача, Ҳожибой «тегиб» ўтадиган мавзулар. Хар сафар шинавандалар янгидан-янги чиқишларини интиқлик билан кутади. Негаки, унинг хангомалари ҳаётга яқин, табиий ва самимий. Шунинг учун ҳаммаша одамлар ардоғида, эҳтиромда. У ҳақда видеофильмлар, кўплаб телекўрсатувлар тайёрланган. Ҳаттоки унга бағишланган рисолалар ҳам мавжуд.

Миллий кизиқчилик санъатида Ҳожибойнинг ўзига хос ижро услуби, кулги йўли ва мактаби бор. У кизиқчилик санъатига «бир актёр театри» ижро йўли билан кириб келди. Ва ўз мухлисларини топди. Унинг сири ва ўзига хослиги кизиқчининг давраларда одамларни кулдириб, ўзи эса кулмаслигидадир.

Ҳатто Ҳожибой бутун бир романи саҳнада ижро қилиш имкониятига эга:

— Мен ҳозир сизларга Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романини ижро этаман:

Саҳнада сукунат... (5 дақиқа ўтади). Шу орада кизиқчи ўнгу сўлига кўз қири билан қараб кўяди. Яна кўзида қанақадир ифодалар акс этади... Кейин эса ижро тугаганлигини билдирувчи ҳолатга киради ва дейди:

— Эътиборинглар учун раҳмат!..

Муҳташам томошагоҳ томини кўчиргудек кулгу, қийқирик ва гулдурос қарсақлар...


Ҳожибой Тожибоев 1955 йилда Хўжанд шаҳри яқинидаги «Янги қишлоқ»да оддий дехқон оиласида таваллуд топган. Ёш Ҳожибойда санъатга бўлган ҳавас унинг ота авлоди бўлмиш таниқли хофиз Маъруфхўжа Баҳодировдан ўтган десак, балки янглишмасми.

— Кулги, ўзи нима?

Сухбатдошимиз билан гурунгимиз шу тариқа бошланди.

— Саволингизга жавоб учун гапнинг «таги»дан бошласам: хар хил одамлар бор, улар хар хил кулади. Шундайлар бор: та-

бий, мириқиб кулади, юракдан. Яна шундайлар бор: ёлғондан хиринглайди, «ўпкасини қўлтиқ-



«ЖИМ ТУРИБ ҲАМ КУЛДИРИШ МУМКИН»

дейди таниқли кизиқчи, Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев

лаб» кулган бўлади. Аслида ундай одамлар ўзининг устидан кулади. Энди тўғридан-тўғри саволингизга жавоб. Кулги одамзот учун Оллоҳ томонидан инъом этилган неъмат, беғуборлик мезони, бир лаҳза бўлсада, хурсандчилик ифодаси. Чин юракдан кулган инсоннинг руҳонияти тозараради, қалби рутубатдан холи, нафасида энгиллик кечади.

Инсон юрагидаги барча гам-ғуссаларини яшириши мумкин, қувончини яширолмайди. Фараз қилинг: одамзод ичида нимадир портлагандек, товонидан сочининг учига қадар ҳаракатга келиб хандон отиб кулади: тиззасига шаппатилаб, кўлини атрофга силкитиб-силкитиб «қотиб» қолади. Бундай кулги аслида инсон қувончидан ҳосил бўлади. Инсон бундай пайтда беғубор кулги келганида тўйиб-

тўйиб «ёрилгиси» келади.

— Биринчи бор қаерда, кимларни кулдиригансиз?

8-синфда ўқиб юрган чоғларимда синфдошларимни кулдира бошлаганман. Ушанда ўзимда озми-кўпми одамларни кулдириш қобилиятим борлигини сезганман. Мана 30 йилдирки саҳнадаман.

— Нима учун театрни эмас, кулги санъатини танлагансиз?

— Театрда ишлайдиган хар бир актёр жонбозлик кўрсатмаса, ўртамеъна актёр бўлиб қолиши табиий. Мен ёшлигимдан кулги санъатига, кизиқчиликка ҳавас қилганим боис, шу йўлни танладим. Халқ ичида юриб, улардан кизиқ гапларни, ибораларни олиб, кейин ўзларига кулгу йўли билан қайтаришни хуш кўраман. Халқчил дастурлар яратиб, кулгусевар томошабинни ҳаммаша кулдиришга озми-кўпми ҳаракат қилиб келяпман. Албатта, бу ўз-ўзидан

спектакл ёки фильм бўлса ҳам телевизор орқали жон деб кўришим мумкин. Эл севган санъаткорлар ҳамда хофизларимиз томонидан ижро этилган мумтоз кўшиқлар жону дилим.

— Ота касбини танлаган фарзандларингиз борми?

— Фарзандларим касбимни, санъат соҳасини асосий касб қилиб танлаган бўлмасалар-да кизиқчилик санъатини ҳурмат қилишади. Мана мисол учун муҳандисликка ўқиётган ўғлим Отабек. Уйда, оиламиз давраларида мен айтмаган гапларни толиб айтиб, ҳаммамизни кулдиради. Баъзи-баъзида мендан ҳам ўтказиб юборади.

— Профессional кулги усталарию, ёш ўсиб келаётган ҳамкасбларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳамкасб дўстларимни, қолаверса ўсиб келаётган ёш укаларимни яхши кўраман. Кизиқчиликни «Бир актёр театри» даражасига олиб чиқишларини истаб қоламан. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Кулги улашувчи ҳамкасбларим ўз томошабинларини ранжитиб қўймасдан, хом-хатала, бачкана, беҳаё, куракда турмайдиган гап-сўзларга ружу қўймасдан, меъёрида «кизиқчилик» қилишларини истардим. Одамларни кулдираман, деб ўзи одамларга кулги бўлишдан ёмони йўқ. Концерт дастурларимиз билан уларни самимий кулдира олсак, нур устига аёло нур бўларди. Ахир, кизиқчилик шунчаки кулдириш воситаси, ном чиқариш учун майдон эмас-ку!

— Нега ўз театрингиз мавжуд эмас?

— Ахир менинг ўзим бир театр эмасманми? Яқка ўзим 2 — 3 соатлаб мухлисларимни ушлаб туришим — «бир актёр театри» эмасми? Бунга қанча репертуар, қанча меҳнат кераклигини тасаввур қила оласизми? Ҳозирча «бир актёр театри» доирасида ижод қилсам-да, вақти келиб, барча репертуаримни жамлаб, «Ҳожибой театри» ташкил қилиш ниятим ҳам йўқ эмас.

— Шоғирдлар орттирдингизми?

— Бор, аммо менинг йўлимда ижод қилиб, «бир актёр театри»ни эплай оладигани ҳали топилгани йўқ. Насиб этса, топилиб қолар. Муҳими, ижоддан тўхтамаслик керак.

Сухбатдош:
Раҳимжон ТУРОБ

Бозорда бир савдогар:

— Кеп қолинг, Чернобилдан келтирилган олмалар, - деб бозорни бошига кўтарётган эмиш.

Бир одам келиб:

— Ука, сал секинроқ бақиринг, Чернобил дейсиз, ҳаммани кўрқитиб нима қиласиз, олмангиз ўтмай қолади-ку, - деди.

— Ака, олма жуда зўр сотиляпти, қаранг, ҳамма бўлмасаям баъзилар оляпти-ку.

— Ука, ростдан ҳам Чернобилдан олиб келдингми?

— Ҳа, ака, у томонга қовун олиб борганим, сотиб бўлиб, бир атомний ГРЭС портлаган жойни кўриб кетай деб борсам, унинг 10 гектар боғи бор экан. Шундай олмалар пишиб ётибди, ҳеч ким эмас экан... Қаранг, ҳаттоки курт ҳам емаган. Роса маза қилиб сотяпман. Одамлар ҳам роса олишяпти.

— Ука, бу олмаларни тахминан кимлар олишяпти ўзи? — дебди ҳалиги киши.

— Кимки қайнонасини ёмон кўрса, ўшалар олишяпти, — дермиш олма сотувчи.

Эр-хотин аптеканинг олдидан ўтиб кета-

Ҳожибой Тожибоев ижро этган ичакузди

ҳангомалардан намуналар

ётган экан, хотин эрига, «дадаси, тўхтанг, депти. Анови аптекани кўряпсизми» деса, «минг марта кўрганман, нима эди» деса, хотини депти:

— Аптекани тепасидаги суратга ҳеч тушунмадим, идишда илон ўралиб чиқиб бир хунук ҳолатда турибди, шу нима маънони билдиради. Эр:

— Вой хотин-ей, шуниям билмайсанми.

— Йўқ, билмайман.

— Ойинг чой ичяпти, - дермиш.

Бир ёши улуг чол бекорчиликдан набира-ларимга бир насиҳат қилиб кўяй, деб қараса, катта набираси келиб қолибди.

— Ўғлим, энди гап бундай. Сен ҳали ёшсан, кўп нарсага ақлинг етмайди, библиб қўйганинг яхши. «Бирлашган ўзар-бирлашмаган тўзар» деган мақол бор. Масалан, мана шу чўпни синдир-чи, деб қўлига чўп берса, йи-

гит қарс этиб синдирибди. Чол, ана болам, кўрдингми, бир ўзинг асло юрмагил. Энди мана бу чўпларни синдир-чи, мен бир кўрай деб йигитни қўлига кўп чўпларни бирлаштириб берса, йигит қарс эткизиб унияма синдириб қўйса, чол:

— Эй болам, ҳикматли сўзни расво қилдинг-ку, дермиш.

Бир одам қоракўл терисидан телпак тикадиган дўконга келиб:

— Ака, мана шу теридан телпак тикса бўладими? - деб сўрабди. Тикувчи терини у ёқ-буёғини кўриб, «жуда бўлади-да», депти.

— Иккита телпак тикса ҳам бўладими?

— Бўлади, ука!

— Тўртта телпак тикса-чи?

— Бўлади...

— Ўнта телпак тикса ҳам бўладими, деса, бўлади, депти. — Қачон келай, неча кунда тикасиз деса, «эртага келаверинг», депти.

Эртасига келса тикувчи майда-майда телпакчаларни олдига қўйиб, «марҳамат ука», депти.

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

10 — 16 апрелгача
МЧНАЖИМЛАР БАШОРАТИ

КҮЙ. Ҳафта давомида ҳаётингизга ўзгартиришлар, янгиликлар киритиш хоҳиши туғилади. Бу сиз учун қулай фурсат.

БУЗОҚ. Сиз учун учрашув, ташвиш ва воқеаларга бой кунлар келди. Кўнгилсизликлар юз бермаслиги учун яқинларингиздан маслаҳат сўранг.

ЭГИЗАКЛАР. Душанба куни сизга янги иш таклиф этишлари мумкин. Фақат ақлингизга таяниб иш кўринг. Сизни омад кутмоқда

ҚИСКИЧБАҚА. Ушбу ҳафта олдинги кўнгилсизликларни эслаб руҳан тушкунликка тушасиз. Бу ўтқинчи. Яна ишларингиз жойига тушади.

АРСЛОН. Сиз кутган омадли кунлар келди. Бу имкониятдан унумли фойдаланинг. Яқинларингизни унутманг. Соғлигингиз ҳақида ҳам қайғуринг.

ПАЗИЗОД. Ушбу ҳафта шартнома ва учрашувларни режалаштиришингиз мумкин. Бундан сиз анча фойда кўрасиз.

ТАРОЗИ. Сиз анча толиққансиз. Дам олинг. Ҳафта давомида ҳеч қандай ишга қўл урманг. Акс ҳолда инқирозга учрашингиз мумкин.

ЧАЁН. Ушбу ҳафта мўмай даромад топасиз. Ҳамма муаммоларингизни бартараф қилинг. Яқинларингиз ҳолидан хабар олинг.

УКОТАР. Ҳафта давомида ҳаётингизда муҳим ўзгаришлар тўғрисида хабар эшитасиз. Ҳеч қандай учрашувни қолдирманг. Чунки ҳали ечилмаган муаммоларингиз ҳам талайгина.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанба куни ишда ҳеч қандай хатоликка йўл қўйманг. Акс ҳолда қийинчиликка дучор бўласиз. Дам олиш куни яқинларингиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

КОВФА. Ушбу ҳафта ижодкорлар учун омадли келади. Яқинларингиздан хушxabар эшитасиз. Қурилиш ишларини бошлашингиз мумкин.

БАЛИҚ. Ҳафта бошида ақлий ҳамда жисмоний ишловчилар учун омадли бўлади. Катталарга ўз қобилият ва маҳоратингизни кўрсатинг. Шундай қилсангиз, уларнинг сизга нисбатан ишончи ортади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Миссиями: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Намр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 2140

Тиражи: 15408

Буюртма Г— 614

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА
УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ